Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 182 (20. 749) • 1990 йил 11 август, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг тўртинчи сессияси 1990 йил 10 сентябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 10 август.

Дунё овози

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Араб Шарқи янги тангликдан ларзага келмоқда. Бу оғир оқибатларга олиб бориши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган жиддий тангликлардан биридир. Гап бунда Ироқнинг қўшни Кувайтга қарши давом этаётган босқинчилиги хусусида бораётир. Бағдод ўзининг нисбатан заиф қўшниси ерига осонгина бостириб кирди. Ҳарбий томондан қараганда бунга асос бор, чунки Ироқнинг аҳолиси Кувайтнинг аҳолисига нисбатан ўн баравар кўп. Аскарлар ҳам шунга яраша. Ироқ аскарлари Кувайтникига нисбатан 50 марта ортиқ.

Шундай қилиб, Ироқ ўзи учун яна бир чегара бўйи можароси вазиятини яратди. Эрон билан можаро бартараф этилганича йўқ, Сурия билан муносабатлар эса таранглашиб турибди. Узоқ давом этган ва кўп қон тўкилган урушдан кейин мамлакат ўз жароҳатини битириш ва иқтисодий соғайишга муҳтож бўлган бир кезда Ироқ шу хатарли ҳарбий машмашага қўл урди.

Бағдод босқинчилиги оқибатида жаҳон бозорида «қора олтин» — нефтнинг баҳоси кўтарилиб кетди. Ироқ—Кувайт можароси натижасида «қора олтин» баҳоси ўрта ҳисобда ўн беш фоизга ошди. Форс кўрфазидаги вазият чигаллашган сари нефть баҳосининг ошаверишн аён. Лекин бундан Ироқнинг нафи кўриши мавҳум. Нега десангиз, БМТ Хавфсизлик Кенгаши барча давлатлар Ироқда ёки Кувайтда ишлаб чиқарилган барча моллар ва маҳсулотларни ҳудудларига олиб келинишини ва ушбу мамлакатлардан Ироқ ва Кувайтга моллар ва маҳсулотлар жўнатишини тўхтатишлари кераклиги хусусида қарор қабул қилди.

Форс кўрфазининг нефтга бой районидаги тангликнинг кескинлашуви ва чўзилиши кўпгина давлатларга энергетика «очлиги» хавфини солмоқда. Халқаро энергетика агентлигининг аъзоси бўлмиш 21 мамлакат вакиллари Парижда 9 август куни вужудга келган вазиятни муҳокама этишди. Улар ҳукуматлар назоратидаги ёнилғи запасларини қандай ишлатишни кўриб чиқдилар. Экспертлар баҳосига кўра, бу запас 142 миллион тонна бўлиб, у 30 кунга етар экан.

Ироқнинг ҳаракати Яқин Шарқ учун оғир оқибатлар туғдириши мумкин. Бир араб давлатининг иккинчи араб давлатини босиб олиши мисли кўрилмаган тажовуз бўлди. Чуқур таассуф билан айтиш керакки, мазкур уруш Бағдодда яқинда бўлган олий даражадаги кенгашдан сўнг амалга оширилди. Ҳолбуки, кенгашда гап араб бирлигини мустаҳкамлаш тўғрисида борганди.

Ер юзида умуминсоний қадриятлар ва тинчликни сақлаш муддаолари устун келаётган бир пайтда Яқин Шарқда рўй берган можаро кўпчиликни ташвишга солмоқда. Шу боис вазиятни нормаллаштириш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш зарурияти тушунчаси ҳамма ерда кучаяётир. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Ироққа қарши катта иқтисодий жазо чораларини қўллашга қарор қилди. Ирок—Кувайт можароси муносабати билан Совет—Америка қўшма баёноти ҳам қабул қилинди. Кўриниб турибдики, буюк давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан Яқин Шарқдаги можароларни бартараф этиш мумкин. Мазкур уруш оқибати ўзаро низоларни ҳарбий куч билан эмас, сиёсий усул ва воситалар билан бартараф қилиш зарурлигига эътиборни қаратди.

А. РЎЗИЕВ.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мухбирларимиз ёзадилар

МАЪРИФАТЧИЛАР. ТАДБИРИ

● Хоразм вилояти партия комитетининг сиёсий маориф уйи фаолияти аввалгига нисбатан кенгайиб, турмушга яқинлик касб этди. Унга Маърифат уйи, деган ном берилди.

Маърифат уйида учта бўлим фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тарғиботчи, ташвиқотчиларни тайёрлаш, жамоат фикрини ўрганиш, оммавий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш каби юмушлар билан шуғулланилади. Маърифатчилар дастлабки тадбирларни муваффақиятли ўтказишди. Урганч шаҳридаги «Олимпия» стадионида бўлган Назм ва наво байрамида 17 минг томошабин тўпланди. Мунозара клубида уюштирилаётган баҳслар алоҳида қизиқиш уйғотяпти.

А. ҚОРЖОВОВ.

ОМИЛКОРЛИК МАКТАБИ

● Бозор муносабатига ўтиш шароитида кишилардаги омилкорлик ва ишбилармонлик фазилатларни айниқса муҳимдир. Бундай ҳислатларга эга бўлмаган киши бозордаги рақобатга дош бериши қийин.

Бухоро уйсозлик комбинати ҳузуридаги маданий-спорт комплексининг директори В. Хаксименко бундай фазилатларни шакллантиришда бухоролик бўлажак ишбилармонлар ва ригалик мутахассислар ўртасида воситачилик қилмоқда. Унинг ташаббуси туфайли комбинат Ригадаги савдо-сотиқ мактаби билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Бу шартномага кўра ригалик менежерлар ўз билим ва тажрибаларини бухоролик ҳамроҳлари билан ўртоқлашадилар. Яқин кунларда омилкорлик мактабида дастлабки машғулотлар бошланади. Унинг тингловчилари ўн кун мобайнида бозор шароитида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, чет эл фирмалари билан алоқалар ўрнатиш асосларини ўрганишади.

Н. НАИМОВ.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

● 10 август куни Тошкентда вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда КПСС XXVIII съезди якунлари ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов маъруза қилди.

Муҳокама натижалари юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум вилоят партия комитети ҳузурида тузилган комиссияларнинг таркибини тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



Энг яхши ўқувчиларга стипендия

● СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият правлениеси камбағал ва кўп болали оилалардаги истеъдодли болалар — 10—11-синфларнинг ўқувчилари учун стипендия таъсис этди.

Жумҳурият уюшмаси правлениеси ва тармоқ жамиятларининг ҳўжалик ҳисоби даромади маблағидан мактаб ўқувчиларидан 60 киши ҳар ойда 50 сўмдан олади.

Стипендия олади ган ўқувчиларни СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси вилоят бошқармалари ва вилоят ижроия комитетлари халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги комиссиялар мактабларнинг педагогика кенгашлари тақдимномаларига мувофиқ танлаб оладилар. Стипендияларнинг тўғри тўланишини, стипендиатлар ўзлаштиришини назорат қилиб бориш ҳам шу комиссия зиммасига юклатилади, бу ўқувчиларни олий ўқув юртларига кириш учун тавсия этиш ҳуқуқи ҳам берилади.

Камбағал ва кўп болали оилалардаги иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар учун стипендиялар таъсис этиш кадрлар тайёрлаш миллий программасини амалга ошириш соҳасидаги навбатдаги қадамдир.

(ЎзТАГ).

Редакциядан:

Рўзномамизда аввал хабар қилинганидек, 120 та эмас, 60 та стипендия бўлиб, ҳар бир ўқувчига 25 сўмдан эмас, 50 сўмдан стипендия бериладиган бўлди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Оққўрғон ноҳиясидаги С. Сегизбоев номли совхоз пахтакорлари йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўраётирлар. Шу мақсадда анчагина «зангори кема»лар ва бошқа техника воситалари созлаб қўйилди. Миришкорларнинг нияти — мавжуд 3291 гектар майдондан 10 минг тонна пахта йиғиштириб олиш. Ғўзаларнинг бугунги ривожи бу марра албатта эгалланишидан далолат бериб турибди.

Суратда: хўжаликнинг мусобақадош икки бригадаси бошлиқлари Илья Зинин билан Сайдали Узоқов.

В. ТЎРАЕВ олган сурат.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ССР Иттифоқи давлат мулки фондини барпо этиш тўғрисида

Қайта қуриш давомида ССР Иттифоқи билан иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар ўртасида янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш учун шароит яратилди, бозор иқтисодиётига ва мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигига ўтиш бошланди. Корхоналар ижарага берилмоқда, акционерлик жамиятлари тузилмоқда, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бозори вужудга келиши учун реал шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлат мулкининг ўзгариб, бошқа шаклларга ўтиши жараёни кучаяверади. Халқ хўжалиги тармоқларининг давлат бошқаруви идоралари вазифаларини бажарадиган бошқарув структуралари бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ жиддий ўзгармоқда.

Бундай шароитда ССР Иттифоқи давлат мулки бўлган мол-мулкни тасарруф этиш ва бошқаришда давлат вазифалари тўғрисидаги масала янгича қўйилмоқда. Давлат корхоналарга бириктириб қўйилган мол-мулкдан оқилона фойдаланишни ва унинг сақланишини таъминлаши, ана шу мол-мулкни хўжалик оборотига киритишнинг замонавий шаклларини топиши лозим.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб ва ССР Олий Советининг 1990 йил 6 мартда қабул қилинган «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги ССР Қонунини кучга киритиш ҳақида»ги қарорини бажариш учун, шунингдек, акционерлик асосида тармоқ ва территориал мол-мулк фондларини ташкил этишга рухсат берилсин.

3. СССР Министрлар Совети ССР Иттифоқи Давлат мулки фонди тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 9 август.

• *Делегат мулоҳазалари*

ГАПДОН ЭМАС, ИШБИЛАРМОН БЎЛАЙЛИК

КПСС Марказий назорат комиссияси аъзоси, Оқтошдаги ремонт-механика заводи электр пайвандчиси Шавкат Шодиев билан суҳбат

— Шавкатжон, аввалambor Сизни нуфузли комиссияга сайланганингиз билан табриклаймиз. Айтинг-чи, сайловдан кейин нималар ҳақида ўйлаяпсиз?

— Қувонч, шодлик туйғуларини сезяпман. Айни пайтда масъулият ҳисси ўйлантиряпти. Мен Марказий назорат комиссиясида энди ўзим учун қадрдон бўлган коллективим, қолаверса, районим, вилоятим, жумҳуриятим вакилиман.

— Анжуман тугаганига ҳам анча бўлди. Энди у ҳақдаги хулосаларингиз равшанлашиб қолгандир?

— Очиғи, делегатларнинг муайян қисми фақат минбарга чиқиб гапиришдан бошқа нарсани билмайди. Аравани турли томонга олиб қочмоқчи бўлганлар ҳам учради. Ҳаяжонга берилиб, нималар дейишмади айримлар. Менимча, съезд бу катта кенгаш. Кенгашда эса қалбимизни ўртаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлашиб олишимиз керак. Иккинчидан, одам катта минбарда гапирадиган гапини аввалдан ўйлаб олиши керак.

Тамбовдан бир коммунист сўзга чиқиб, ўз юртдошлари номидан фикр билдирди. Унинг ортидан сўз сўраган шу вилоят партия комитетининг биринчи котиби эса «Биз бу кишига делегация номидан сўзлашга ҳуқуқ бермаганмиз», деди. Агар улар ўз вилоятларида, жумҳуриятларида мулоҳазаларини жамлаб, бирон кишига топшириша ва овоз бериш чоғида ана шу таклифни ҳимоя қилишса, яхши эмасмиди?

— Шавкатжон, мамлакат ғарбида Ўрта Осиё вакиллари Иттифоқ миқёсидаги анжуманларда бетарафлик йўлидан борадилар, деган фикрлар мавжуд. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бизнинг халқимиз гапдонликни ёмон кўради. Кўпроқ бўлсада айтай, «Кўп гап эшакка юк» деган ибора ана шундан келиб чиққан. Мендан яқинда «Агар сизга сўз тегиб қолса, нима деган бўлардингиз?» деб сўрашди. Мен уларга анжуманда умуман, гапириш ниятим йўқ эди, ҳамма фикрларимни Самарқандда, ўзим ишлаётган жумҳурият қурилиш вазирлигига қарашли корхоналар, Тошкентда бўлган маслаҳат чоғида ўртага ташлаганман, дедим.

Ҳа, сиз айтгандай, партия съездида ҳам делегациямизга шундай муносабат билдирилди. Мен ўзим болшевикбўйлик коммунистлар билан суҳбатлашдим. «Сизлар ҳали йирик анжуманларда катта муаммолар устида жон-жаҳд билан тортишиш, баҳслашиш маданиятини ўзлаштира олмагансизлар. Аммо вақти келиб бизлардай гапиришни ўрганасизлар», дейишди улар. Назаримда, бу гапда ҳам жон борга ўхшайди. Чунки йиллар давомида партия анжуманларида ва умуман, катта йиғинларда, мажлисларда қарсакбозлик, мадҳиябозлик ҳукм сурди. Раҳбарлардан талаб қилиш ўрнига илтимос қилиш одатлиги ҳамда келгусида мамлакатни ўнглаш учун нима ишлар қилишимиз зарурлиги тўғрисида аниқ гаплар айтилмади. Сиёсий бюро аъзоларининг ахборотлари қуруқ гапдан иборат бўлиб қолди. Улар ўртасида бирлик йўқлиги маълум бўлди. Мен оддий ишчиман. Аммо катталарнинг минбарга чиқиб, узоқ ва баландпарвоз гапиришидан кўнглим тўлмади. Рост-да, орадан беш йил ўтибди-ю, ҳалиям қайта қуришнинг дастлабки босқичидамиз, дейишдан чарчамаймиз. Назаримда, марказнинг ўзи қайта қуриш жараёнини кўнгилдагидек бошқара олмаяпти.

— Марказ деганда нимани назарда тутяпсиз? Партия Марказий Комитетиними, СССР Олий Советиними ёки Вазирлар Кенгашинми?..

— Ҳозир партия аппаратини айблаш расм бўлиб қолди. Тўғри, бюрократиянинг ўта хавфлилигини Ленин ҳам айтган эди. Аммо партиядаги ана шу мураккабликни, қийинчиликларни енгиш коммунистларнинг бурчи-ку. Нега энди бошқаларга қўшилиб улар ҳам партиянинг тагига сув қўйишяпти? Ахир, КПССга фақат лавозим, мансаб, сохта обрў учун аъзо бўлганлар ўшалар эмас-ми?

Партия ўзини тубдан қайта қура олмаяпти, деган гапга ҳам қисман қўшилмасдан иложимиз йўқ. Агар маҳкамалардаги қисқартиришлар, ўзгаришлар бундан беш йил аввал амалга оширилганида иш бошқача бўларди. Умуман, нима кераги бор сафимизни 18 миллионга чиқаришнинг. Ҳалиям маслаги бир бўлмаганларга қўрқмасдан жавобини бераверик керак.

— Маълумки, раҳбарлар партиянинг обрўсини кўтаришда катта роль ўйнайди. Умуман, сиз партиянинг раҳбарларини қандай тасаввур қиласиз?

— Дарҳақиқат, раҳбарнинг қадри мен каби оддий ишчиларга тез билинади. Назаримда, партиядаги оддий коммунист билан раҳбар ўртасида бўшлиқ борга ўхшайди. Масалан, мен, райком котибини қўйиб турингки, бўлим мудири билан ҳам баҳслаша олмайман. Ўларнинг имконияти кўп, кўп нарсани билишади. Мен ҳам энди дунё кўриб, катта анжуманларда қатнашиб, партиявий масалаларда тажриба орттириб боряпман.

Агар раҳбар билан оддий коммунист ўртасидаги масофани қисқартирмас ва йўқотмас эканмиз, партиянинг обрўсини тиклаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Менимча, бу фарқни йўқотиш кўпроқ раҳбарларга боғлиқ. Районда мени хушомадгўйликни ёмон кўрадиган киши сифатида билишади. Лекин шу ўринда райкомнинг биринчи котиби Нормамат Тошматов ҳақида гапириб ўтмоқчиман. У киши мажлисбозликни ёмон кўради, қачон қараманг пахта далаларида, фермаларда, цехларда юради. Баъзи раҳбарлар тўйга борса, уларга алоҳида дастурхон буюришади. Н. Тошматов эса базмларга борса, аввалига самимий сўз билан табриклайди, шеърлар ўқийди, ҳатто даврага тушади. Бу нарса кўпчиликка эриш туюлади. Аммо раҳбар билан халқни ўзаро яқинлаштирадиган жараённи мен худди ана шундай фазилатларда кўраман.

— Сиз район партия комитети бюросининг, КПСС Марказий назорат комиссиясининг аъзосисиз. Жамоат ишлари айрим пайтларда қийнаб қўймайди-ми?

— Биласизми, мен партиянинг фаолиятидаги камчиликлардан бирини ҳам моддий манфаатдорликдаги адолатсизликда, деб биламан. Илгарилари райком инструктори 150 сўм ойлик оларди. Ҳозир ҳар қалай мояна анча ошди. Баъзи бошланғич партия ташкилотлари котиблари аппарат инструкторидан кўп иш қилади. Партиявий иш ҳеч қачон корхона ёки муассаса манфаатига зид келмаслиги керак. Биз эса аксини қилиб келдик. Мисол учун, партия ташкилоти котиблари семинарига борган киши ўз корхонаси ҳисобидан йўлкира ҳақи олади. Ваҳолонки, у корхона учун фойда келтирмайди-ку? Узоққа бормайлик, менинг ўзим район партия комитетининг бюро мажлиси учун, ҳар ойда бир кун сарфлайман. Хўш, мен йўқотган иш вақтимни қачон ишлаб беришим керак. Бригадамиздаги бошқа йигитлар бир кун индамайди, икки кун индамайди, охири таъна қилишади. Демак, партия ишида банд бўлган даврим учун ё район партия комитети, ё бошланғич партия ташкилоти менга ҳақ тўлаши керак. У ёғини айтадиган бўлсам, ҳали вилоят партия конференцияси ва КПСС съездида бўлган даврим учун командировка ҳақини ололганим ҳам йўқ. Кимдан олишни ҳам билмайман. Ахир ҳамма анжуманларга шахсий жамғармадан сарфлаб бўлмайди-ку?

— Шавкатжон партия ҳақидаги фикрингиз қандай?

— Саволингизни тушундим. Мен Коммунистик партияни обрўсизлантиришга уринаётганларга мутлақо қаршиман. Партиямиз бизни ёмон йўлга бошламади. Ёмон раҳбарларгина унинг обрўсини тўкдилар. Демак, биз партия сафида номуносиб кишиларнинг бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Партиядаги янгиланишни мен фақат унинг тузилишини ўзгартиришда ёки аппарат сафини қисқартиришдагина деб билмайман. Энг аввало, иш услубини ўзгартиришимиз керак. Бунинг учун КПСС сафига ҳақиқий фидойи, садоқатли, ишчан, теран фикрли кишиларни қабул қилишимиз зарур. Ана шундай йўл билангина партиянинг обрўсини мустаҳкамлаш мумкин.

Суҳбатдош «Совет Ўзбекистони» Самарқанд область мухбири Ф. ТОШЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ ўзининг барча қўшинларини эгаллаган ерларидан зудлик билан олиб чиқиб кетиши лозимлигини яна бир марта таъкидлади.

● Ироқ президенти Саддам Ҳусайн Кувайт ҳудуди босиб олиниши эълон қилинганидан сўнг бир кун ўтгач, ўз мамлакатининг кўп миллиардли қарзини Кувайт ҳисобига ўтказиш ҳақида фармойиш берди, деб хабар қилди Ассошиэйтед Пресс агентлиги.

● Саудия Арабистонида базаларга юборилаётган Америка қўшинлари Ироқ томонидан кимёвий ҳужум қилинишидан сақланиш учун ҳимоя воситалари билан таъминланмоқда. Ироқ Эрон билан уруш вақтида кимёвий қуролдан фойдаланган эди.

● Дастлабки умумгерман сайлови, илгари режалаштирилганидек, 2 декабрда бўлади. Бонн ҳукумати сайловни шу кунга тайинлашни ГФР президентидан илтимос қилиш ҳақидаги таклифни маъқуллади.

(ТАСС).



МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

● САМАРҚАНД. «Кинап» заводида конверсия ишларининг амалга оширилиши муносабати билан кенг истеъмол моллари тайёрлаш бир ярим баравар ошди. Малакали ишчилар ўрнини сақлаб қолишга имкон яратилди. Қатор цехларда эндиликда кино театрлар, студия ва клублар учун турли шаклдаги эшитиш аппаратлари тайёрланаяпти.

Суратда: янги ишлаб чиқариш участкаларидан бири.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Диққат: янгилик!

Колхозчиларга мавсумбоп кийимлар

Москва ноҳиясидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги аъзолари юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётирлар.

Биз хўжаликнинг Омадулло Туропов, Абдуғаффор Абдураззоқов, Толибжон Ўринбоев, Қобилжон Умматовлар етакчилик қилаётган бригадалари пахтазорларини кўздан кечирдик. Бу жамоаларнинг ҳосилга ҳосил қўшишда алоҳида жонбозлик кўрсатишаётганининг гувоҳи бўлдик. Дафъатан, далада ишлаётган хотин-қизларнинг салқинлатувчи енгил, гуллик материалдан бир хил иш кийими кийганликлари, сувчиларнинг оқ яктакда юрганликлари эътиборимизни тортди. Биз бу ҳақда хўжалик раиси Муҳаммаджон Азимовдан сўрадик.

Дарҳақиқат, жумҳуриятимизнинг иссиқ иқлим шароитида ишловчи пахтакорларни коржома — махсус кийим билан таъминлаш борасида кўп гап-сўзлар бўляпти. Лекин, бу борада ҳозирча бирор ўзгариш йўқ. Бизнингча, жазирама иссиқда далада ишлаётган кишилар, айниқса, хотин-қизлар учун яхна чой, мева шарбатлари каби салқинлантирувчи ичимликлар тайёрлашгина эмас, махсус иш кийимлари билан ҳам таъминлаш жуда зарур. Бу уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш учун жуда муҳим.

Одатда колхозчи хотин-қизлар далага қимматбаҳо атлас, духоба кўйлакларида ҳам келаверадилар. Ипакли ёки сунъий толалардан тайёрланган бу кийимлар кам ҳаво ўтказади, иссиқни кўп тортади. Ғўзадаги чанг, ғубор, ширалар унга сингиб қолади. Назаримизда, хўжалик раҳбарияти, ана шу жиҳатларни ҳисобга олганга ўхшайди.

— Очиғи, колхозчиларга иш кийими тўғрисида бирор жойда аниқ кўрсатма берилган эмас, — дейди хўжалик касаба уюшмаси раиси Ш. Мисиров. — Аммо ВЦСПС ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 20 августдаги қарорида корхона маблағи ҳисобидан махсус иш кийими қилиб бериш мумкин дейилган. Биз ана шунга кўра, йил бошида хўжалик бошқарув ҳайъати билан меҳнат муҳофазаси юзасидан битим тузганимизда жамоа хўжалиги аъзоларига қулай иш шароити яратиш билан бирга иш кийими ҳам беришни назарда тутган эдик. Хўжалигимиз моддий имкониятлари даражасида мазкур битимга мувофиқ далада ишлаётган 353 хотин-қизга, 63 сувчига нархи 10 сўмлик махсус кийим тайёрлатдик. Кийимларни хўжалигимиз қошида ташкил этилган Холматжон Ҳамдамов раҳбар бўлган тикувчилик цехи чеварлари тайёрлашди. Биз колхозчилар билан суҳбатлашиб, кийимлар қандай газлама материалидан тайёрланишини келишгач, цех чеварлари уларнинг бичимларини олишди ва тез кун ичида «Астра» маркали материалдан кийимлар тайёрлаб беришди. Эндиликда колхозчи аёлларимиз халат эмас, кўйлак тикилса янада қулай бўлишини айтишмоқда. Келгусида мавсумбоп қўйлак тайёрлаб бериш ниятидамиз.

«Ҳақиқат»ликлар колхозчиларни махсус иш кийими билан таъминлашда дастлабки қадамни қўйдилар. Бу ноҳиямиз, вилоятимиз ва жумҳуриятимиз хўжаликларида ҳам кенг жорий этилади, деган умиддамиз. Зеро меҳнаткашга ғамхўрлик, инсон омилига эътибор, барча ютуқлар калитидир.

И. СУЛТОНОВ,
Андижон вилояти.

СССР Министрлар Советида

КИЧИК КОРХОНАЛАРГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

● СССР Министрлар Совети кичик корхоналар ташкил этиш ва уларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига кичик корхоналарга уларни ташкил этишда, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашда, бўш қолган ишлаб чиқариш қувватларини, фойдаланилмаётган машиналар ҳамда ускуналарни, тўхтатиб қўйилган, қуриб битказилмаган объектлар ва иншоотларни фойдаланишга топшириш, сотиш ва ижарага беришда кўмаклашиш топширилди.

1990 йилнинг 1 декабригача кичик корхоналарга ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ёрдам беришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш режалаштирилди.

СССР Министрлар Советининг иқтисодий ислоҳот давлат комиссияси таркибида кичик корхона эгаларини қўллаб-қувватлаш комитетини тузишга ҳам қарор қилинди.

Ҳукумат мазкур қарорни қабул қилиш билан бирга СССР Олий Советига унинг «Кичик корхоналар фаолиятининг умумий асослари» қарори лойиҳасини ҳам тақдим этди.

Бошқариб туриладиган бозор муносабатларига ўтиш, корхона эгаларини қўллаб-қувватлаш иқтисодиёт тузилмалари қайта қурилишини тезлаштириш, иш ўринларини танлаш ва қўшимча иш ўринларини вужудга келтиришда кенг эркинлик бериш, сарф-харажатлар тез қопланишини таъминлаш, истеъмол эҳтиёжларидаги ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдиришга қодир бўлган кичик корхоналар тармоғини жадал ташкил этишни тақозо қилади. Корхоналарнинг бундай шаклини ривожлантириш бозорларни тезроқ моллар билан тўлдиришга, хизмат соҳасини яхшилашга, тармоқ ва минтақа яккаҳокимлигини бартараф этишга, рақобатни кучайтиришга, фантехника тараққиёти ютуқларини кенг қўлланишга, чет элларга моллар чиқаришни кўпайтиришга ёрдам бериши лозим. Кичик корхоналар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг иқтисодий негизини анча мустаҳкамлашга, қишлоқлар, кичик шаҳарларни ривожлантириш, бадиий ва ёрдамчи ҳунармандчиликни қайта тиклаш, экологик муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатишга қодирдирлар.

СССР Министрлар Советининг «Кичик корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг тўла матни «Экономика и жизнь» ҳафтаномасининг навбатдаги сонида эълон қилинади.

(ТАСС).

• Тил ҳақидаги Қонун—амалда

ҚОМУС ВА АТАМАЛАР

Ўзбек атамаларининг ишлатилишида ва тилимиздан мустаҳкам ўрин олишида, умуман ўзбек адабий, илмий тилининг ривожланишида қомусий китобларнинг ўзига хос ўрни бор. Вақтли матбуот муайян бир янги атамани қўллар экан, то у оммалашиб, тилимизга сингиб ўрнашгунга қадар, ўқувчида қандайдир унга нисбатан иккиланиш кайфияти пайдо бўлади. Башарти бу атамани у қомус саҳифаларида кўрса, ўша кайфиятдан қутулиб, ишонч билан уни қўлланишга ҳаракат қилади.

1969 йил январь ойида бўлиб ўтган йиғилишларда атамалар устида жуда ҳам қизғин мунозаралар қилинган. Машҳур ношир ва таржимон Вали Раҳимнинг куйиниб гапирган сўзлари ҳали-ҳали қулоғимда жаранглайди: «Алифбомизни 2 марта ўзгартириб, халқимизни гумроҳ қилганимиз етар. Тилимизни тозалайлик, лекин унга бир ёқлама ёндашмайлик. Тиллардан-тилларга ўтиб, бизнинг тилимизни ҳам жаранглатаётган, тилимизга, дилимизга сингиб кетган, катта-ю кичик тушунадиган атамаларга кўр-кўрона ҳужумкорликка ўрин бермайлик. Бироқ тилимизда, ёзувимизда ажнабий сўзларни бўлар-бўлмас ишлатишни бас қилайлик. Ажнабий сўзлар билан тилимизда муқобили йўқ атамаларни фарқига борайлик. Тилимизни тозалайлик, лекин ўринсиз орқага қайтмайлик, бундан буёғига ҳушёр бўлайлик...».

Назаримда бу сўзларнинг мағзини ҳозир ҳам чақиб кўрсак ёмон бўлмас. Ҳозирга келиб «газета» сўзини «рўзнома» билан, «журнал»ни «жарида» билан, «район»ни «ноҳия» билан «колхоз»ни «жамоа хўжалиги» сўзи билан алмаштириш шартмикин?!

Яқинда атамалар хусусидаги ўша йиғилишлар баёни билан танишиб чиқдик. Ҳар бир атаманинг қандай олиниши овозга қўйилиб, ҳал қилинган экан. Қомуслар нашр этишда шу қарорга асосан амал қилиб келинган. Қабул қилинган атамаларга ҳозирги кўз билан қарасак, эътироф этишимиз керак, масалага кўп ўринларда турғунлик даврига хос «байналмилалчилик» услуби билан ёндашилган. Ўша даврда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Гарчи масалани умуман ҳал қилишда шундай ёндашилган бўлинса-да, баъзи атамалар қомус саҳифаларида ўринли ишлатилганлиги туфайли ҳам тилимиздан барқарор ўрин олди. Биргина мисол. Русча «ценность» тушунчаси ўзбекча адабиётларда «қимматдор», «бойлик», «қимматлилик» каби мазмунга мувофиқ келмайдиган хилма хил сўзлар билан ифодаланиб келинади. Қомусда бу сўз биринчи бор «қадрият» атамаси билан олинди ва шу ном билан махсус мақола ҳам берилди. Дастлаб сал эришдек туюлган эди, ҳозир унинг ўрнига бошқа сўз ишлатилса эриш туюляпти, қарийб ҳамма жойда ўша «қадрият» атамаси қўлланиляпти.

Хўш, ҳозирги пайтда — ошкоралик ва эркинлик замонида биз қомусларда атамалардан фойдаланишга қандай ёндашишимиз керак? Бу борада бизнинг тутган йўлимиз қандай?

«Қомус» Бош редакцияси илмий-редакцион кенгаши йиғилишларида бу масала кўп кўтарилди ва ҳозир ҳам кун тартибида турибди. Бу борада бизнинг мезонимиз: шошма-шошарликка, пала-партишликка йўл қўймаслик, етти ўлчаб бир кесишлик. Матбуотда ҳозирги кунда атамалар турлича талқинланяпти. Ишлатиб турилган атамалар ўрнини алмаштириш шу даражада кучайиб кетдики, ҳатто баъзи газеталардаги мақолаларни ўқиб тушуниш қийин бўлиб қолди. Ҳозирча бир тўхтамга келинмаган бир пайтда биз ҳам бунинг кетидан эргашишимиз мақбул иш эмас, деган хулосага келдик.

Атамаларни ишлатишга доир мақолаларда «янги атамалар қаторида «эскиси»ни ҳам ишлатавериш керак, тилимиз ўзи танлаб олади, деган фикр айтилди. Бу фикр синоним сўзларга нисбатан нотўғридир. Лекин илмий атамалар адабиётларда бир хил олингани ва унга риоя қилингани маъқул. Айниқса қомусда, айрим ҳолларни истисно этганда, атамалар ишлатишда бир хиллик ва унга содиқлик керак. Қомусимизга назар ташласангиз, «философия» сўзи билан бир қаторда «фалсафа» сўзи, «философ» сўзи билан бир қаторда «файласуф» сўзи ишлатилган: Спиноза, Декарт каби европалик шахсларга «философ» атамаси, Фаробий, Ибн Сино каби Шарқдаги шахсларга «файласуф» атамаси қўлланилган. Бизнингча, ҳеч иккиланмай ҳамма жойда «фалсафа», «файласуф» атамаларини қўллайвериш керак.

«Қомус» Бош редакциясида шу кунларда бошқа нашрлар қатори ўзбек қомусининг 2-нашри сўзликлари ва методик ишлари устида иш олиб бориляпти. 10 жилдга мўлжалланаётган бу нашрнинг дастлабки жилдлари мақолалари таҳририга келгуси йилдан киришилади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни ижроси юзасидан бизда олиб борилаётган ишларга мухтасар тўхталиб ўтмоқчиман.

Қонуннинг 7-моддасида «Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида юритилади»,, деб ёзилган. Қонуннинг ижроси учун ўзбекча иш юритиш қўлланмасига зарурият келиб чиқиб, бир гуруҳ муаллифларимиз билан ҳамкорликда шу мавзуда китоб тайёрладик. Ўзбек тилидаги дастлабки ишлардан бўлган ушбу қўлланмада иш юритишнинг барча масалаларини ёритиш имконияти бўлмади. Ҳозирча унда иш юритишнинг ҳамма идораларда учрайдиган умумий, энг зарур тартиб-қоидаларини амалий намуналари билан беряпмиз. Ундан ариза, таржимаи ҳолдан тортиб, турли расмий хатлар, буйруқ, фармойишлар ва шу кабиларнинг ёзилиш тартиботини билиб оласиз. Қўлланмани тайёрлаш жараёнида муаллифларимиз масалага ижодий ёндашиб, уларнинг муносиб муқобил сўзларини топишга эришдилар. Китоб охирида иш юритишга доир луғат берилди. Унда 100 дан ортиқ атама бор. Шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Муроджон АМИНОВ,
«Қомус» Бош редакцияси илмий-методик ишлар редакцияси мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

АТАМАЛАР БУРЧАГИ

Адрес — адрес, турар жой шахс номига нисбатан (мас., менинг турар жойим), манзил (ўринга қараб; мас., тўйхона манзили).
Адресант — юборувчи (мас., ҳужжат юборувчи)
Адресат — олувчи (мас., ҳужжат олувчи)
Акт — далолатнома
Бланка — босма иш қоғози
Ваканция — бўш ўрин
Ведомость — қайднома
Виза — розилик белгиси
Выписка — кўчирма
Вкладиш — қўшимча варақ
Гарантийное письмо — кафолат хати
Государственный стандарт (ГОСТ) — Давлат андозаси
Гражданин (расмий ҳужжатларда) фуқаро (ўринга қараб)
Гриф — устхат (мас., гриф утверждение — тасдиқлаш устхати).
Дело — ҳужжатлар йиғмаси жилди
Делопроизводство — иш юритиш, муншаот (ўринга қараб);
Доверенность — ишончнома
Докладная записка — билдиришнома
Дубликат — иккинчи нусха
Журнал — қайд дафтари (иш юритишда)
Запрос — сўров хати
Извещение — билдириш хати
Индекс — шартли рақам
Инвентаризация — рўйхатга олиш
Инструкция — йўриқнома
Информационное письмо — ахборот хати
Категория — тоифа
Квитанция — патта
Классификация — таснифлаш
Код — хос рақам (код предприятия — корхонанинг хос рақами)
Командировка — хизмат сафари
Командировочное удостоверение — хизмат сафари гувоҳномаси
Номер — рақам (сўз билан келганда мас: 135-рақамли буйруқ), шакл (№) билан келганда айнан қолдирилади, мас. Буйруқ № 135
Подлинний документ — асл нусха ҳужжат
Подтверждение (письмо) — тасдиқ хат
Протокол — мажлис баёни
Правление — бошқарув, идора (ўринга қараб)
Практика — амалиёт, тажриба
Рапорт — билдириш
Резолюция — муносабат белгиси
Реквизит — зарурий қисм
Сопроводительное письмо — илова хат
Справка — маълумотнома
Служебная записка — хизмат ёзишмаси
Стандарт — ягона нусха, андозали ўлчам
Текст — матн
Телефонограмма — телефонома
Факсимил — айнан
Фирменная бланка — хос иш қоғози
Форма — шакл, намуна (ўринга қараб)
Формат — бичим (мас., қоғоз бичими)
Формуляр-образец — қоидавий намуна
Характеристика — тавсифнома
Ходатайство — тақдимнома
Циркулярное письмо — фармойиш хат

• Долзарб мавзуда суҳбат

Нефть маҳсулотларига бўлган талаб ортиб боряпти. Бу эҳтиёжни қондириш — муҳим вазифа. Тўғри, тармоқда кейинги йилларда анча камчиликларга йўл қўйилди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида халқ депутатлари тармоқ раҳбарларини тайинлаётганларида ҳам жиддий мулоҳазалар билдиришди. Сессияда Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети раислигига кўпчилик овоз билан сайланган Ё. Т. Мўминов тармоқда ўзгариш ясашга, унинг аҳволини тезда ўнглашга сўз берди. Камчиликларни оқилона ҳал этиш учун нима қилиш керак?

Қуйида жамоатчи мухбиримизнинг тармоқ янги раиси билан шу хусусдаги суҳбати ҳавола этилмоқда.

— Ёқуб Турғунович, аввалом бор янги лавозим билан табриклаймиз. Лекин сиз раҳбарлик қила бошлаган тармоқдаги ишлар кўпчиликни қониқтирмаяпти. Айниқса, ёнилғи сифати ҳақида турли гапларни эшитишга тўғри келмоқда.

— Табрик учун раҳмат. Бўлиб ўтган сессияда барча раҳбарлар қатори мен ҳам биринчи бор халқ вакилларининг синовидан ўтдим. Анчагина таъналарни эшитишга тўғри келди.

Тармоғимиз вакиллари жумҳурият халқ хўжалигини нефть маҳсулотлари билан таъминлашда узилиш бўлмаслиги учун ҳаракат қилишяпти. Иттифоқимизнинг қатор жумҳуриятларида бу борада аҳвол мураккаблашиб қолганда ҳам бизда узилиш бўлгани йўқ.

Афсуски, ишимизда анчагина камчиликлар ҳам бор. Жумладан, баъзи нопок шахсларнинг сифатбузарлиги кўпчилик меҳнатини йўққа чиқаряпти. Бу борада янгидан ташкил этилган Давлат нефть маҳсулотлари назорати бош бошқармаси (бошлиғи Ф. Иброҳимов) ўзининг қатъий ва принципиал сўзини айтиши керак. Бунинг учун барча имкониятлар етарли, жуда катта ҳуқуқлар берилган. Эндиликда мазкур ташкилот фақат текшириш билангина кифояланмайди. Балки аниқланган камчиликларни ўзи бартараф этади. Шу мақсадда ремонт қилиш-созлаш ҳамда сиғимлар учун ўлчов жадваллари ишлаб чиқадиган бўлинмалар тузилмоқда. Айниқса, маҳсулот сифатини доимий назорат қиладиган лабораторияларнинг ташкил этилиши бизнинг тармоқда жуда катта воқеа бўлди. Бундай кимёвий назорат лабораториялари маҳкамамиз қошида, вилоятларда ташкил этилди.

Кўчма лабораториялар ҳам фаолият кўрсатяпти. Йил бошидан буён маҳкамамиз қошидаги лаборатория томонидан бензиннинг 140 та намунаси олиниб, унинг сифати текширилди. Маълум бўлишича, 63 та намунанинг сифат кўрсаткичлари талабга жавоб бермайди. Турган гапки, сифатни бузган шахслардан етказилган зарар ундириб олинди.

— **«Тез ёрдам» машиналарида, умумий фойдаланишдаги автотранспорт воситаларида ёнилғи етишмаётганлиги кўпчиликка маълум. Наҳотки, одамларнинг соғлиғидан, кўчада транспорт кутиб сарғайган вақтидан ёнилғи қимматли бўлса?**

— Ҳақиқатан ҳам тиббий ёрдам машиналарига ёнилғи етишмаётганлиги рост. Бу кечирилмас ҳол.

Бу борада бизнинг ҳам, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳам айби бор, деб ўйлайман. Уларга ёрдам қўлини чўзиш учун ҳар қанча уринмайлик, қўлимиз калталик қилади. Негаки, бизга юқори органлар томонидан ҳар бир соҳа учун тегишли ёнилғи миқдори белгилаб берилади. Шу туфайли ҳеч кимга ортиқча маҳсулот беришга ҳаққимиз йўқ. Лекин аҳвол мураккаблигини ҳисобга олиб, имкони борича Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамни айтмоқчиман. Соғлиқни сақлаш ва баъзи бошқа вазирликларнинг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи мутасадди кишилари ҳисоб-китобни пухта қилмасдан туриб, бензинга буюртма беришади. Ҳатто айрим вазирликлар — Савдо вазирлиги (вазир муовини Б. Е. Пенцов), Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети (раис ўринбосари В. А. Короткий) ўзларида транспортдан ноўрин фойдаланиш йўлига ўтиб олишган, бензин олиш учун берилган патта тақсимотида ҳам чалкашликлар кўп. Бундай камчиликларни бартараф этиб, ички имкониятлардан фойдаланилса, яхши бўлмайдими ахир!

— **Айни муҳим масала — бензинга бериладиган патталар билан юз бераётган ғирромликлар ҳақида сўз очиб қолдингиз. Ҳақиқатан ҳам бу қинғир ишларга сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Тўғриси, мана шу номутаносиблик давлат автомашиналари ҳайдовчиларига, шахсий машина эгаларига ноқулайликлар туғдиряпти. Бирида бензин бўлса, иккинчисида бўлмайди. Ҳайдовчилар сарсон. Ҳамма ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини нақд пулга ўтказишнинг иложи йўқми?**

— Бу масала кўпдан бери жиддий бўлиб турибди. Гоҳида ёнилғи танқислиги пайтида қаерга бензин беришни билмай қоляпмиз. Давлат машиналарига бензин берилмаса, халқ хўжалиги катта зарар кўради. Шахсий машиналарга берилмай тўхтатиб қўйилса, жумҳурият бюджетига фойда тушмай қолади. Бензиннинг давлат нархи билан бозор нархи ўртасидаги фарқ қўли эгри ҳайдовчиларга жуда қўл келяпти. Шу туфайли бензинга бериладиган патталар билан боғлиқ ғирромликлар кўпайиб кетмоқда. Патталар қўлдан-қўлга ўтиб юрибди. Бу ҳол айниқса жумҳурият Алоқа вазирлиги (В. А. Кравченко) автохўжаликларида учраяпти.

Патта оладиган ташкилотларга жиддий эътирозимиз бор. Улар белгиланган тартиб-қоидага риоя қилмасдан, моддий қийматга эга бўлган патталарни ҳотамтойлик билан улашишяпти. Давлат нефть маҳсулотлари назорати патталар билан боғлиқ қинғир ишларга барҳам бериш учун маъмурий органлар иштирокида рейдлар ўтказди. Вазият ўрганиб чиқилгач, бундай камчиликларга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли нархлар ўртасидаги фарқни йўқотишдан иборат, деган хулосага келинди.

Яна бир масала. Кейинги уч-тўрт йил ичида ёнилғи қуйиш шаҳобчалари сони уч—тўрт баравар кўпайди. Бундай шаҳобчалар асосан катта шаҳарларда қурилди. Қишлоқ жойлари эса эътибордан четда қолиб кетди. Одамлар 30—40 километр йўл босиб, бензин учун район марказига келишга мажбур бўлмоқдалар. Бундан буён асосан қишлоқ жойларда шаҳобчалар қурилади. У ерларда керосин, печка ёнилғиси каби маҳсулотлар сотишни йўлга қўямиз.

— **Яна гап айланиб сифат масаласига тақаляпти. Ҳозир одамлар ўртасида «битта қувурдан ҳам солярка, ҳам бензин келади, шунинг учун бензиннинг сифати ёмон», деган гаплар юрибди. Шу узунқулоқ гаплар қанчалик ҳақиқатга яқин?**

— Одамларни алдаш, маҳсулотнинг сифатини бузиш юзимизга доғ бўлиб тушяпти. Ахир, оддий одам ўн йиллаб ейиш-ичишдан ўзини тийиб пулига машина олса-ю, у бир йилга етар-етмас ишдан чиқса. Ачинарлиси шундаки, автомобилга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларидаги нопок шахслар инсоф, диёнатни унутиб қўйишяпти. Бундайларга қарши курашда мазмурий органлар мададига, кенг жамоатчилик ёрдамига муҳтожмиз. Улар жиноятчилик ҳолатларини аниқлаб, айбдорларни қаттиқ жазолашлари керак.

Нефть маҳсулотлари қувурлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам бензин ва дизель ёнилғиси Чимкентдан битта қувур орқали Тошкентга келади. Аммо бу маҳсулотнинг аралашиб кетишига йўл қўйилади, деган гап эмас. Технологиядан ҳаммаси кўзда тутилган. Транспорт харажатлари анча камаяди. Қувурлар орқали маҳсулот қўшимча сифат кўрсаткичлари билан келади. Унинг таркибида атроф-муҳитга, одамларнинг соғлиғига жиддий зарар етказадиган этилл моддаси бўлмайди.

Ҳозир ёнилғи қуйиш шохобчаларида ишлайдиганларнинг ижтимоий-маиший аҳволини тубдан яхшилаш лозим бўлиб қоляпти. Иккинчидан, бу соҳада ўз касбини яхши биладиган малакали мутахассислар ишлаши керак. Ҳозирча бирорта билим юрти бу касб эгаларини тайёрламайди. Яқинда биз, ўзимиз мустақил бу ишни бошладик. Тошкентдаги билим юртида турли вилоятлардан келган бир гуруҳ ёшлар бу касбни ўрганишмоқда. Уларни албатта иш билан таъминлаймиз.

Кўпчилик ёнилғи қуйиш шохобчалари ўз харажатларини қоплай олмаслигини билмайди. Шунинг учун ҳам бу тармоқда пудрат, хўжалик ҳисоби каби илғор усулларни жорий этишимиз лозим.

Мусоҳабани
С. САЛИМОВ
олиб борди.

ЎНГЛАНИШ САРИ ҚАДАМ

ЙЎЛОВЧИ КЎП— ҚУЛАЙЛИК ОЗ

Ҳозир Нукус аэропортидан йилига 300 минг йўловчи сафарга чиқмоқда. Айрим кунлари аэровокзалда 1,5 минг нафаргача йўловчи тўпланиб қолади.

Бирлашган авиаотряд жамоасининг иши тобора тиғизлашиб боряпти. Рейслар сони кўпайтирилди. Нукус—Урганч—Тошкент, Нукус— Запорожье, Нукус —Кривой Рог рейсларида самолётлар қатнай бошлади. Нукус— Бухоро — Самарқанд ўртаси яқин бўлиб қолди.

Нукус авиаотряди ихтиёрига «ТУ—154» ҳаво лайнерлари ҳам берилди. «ИЛ—86» аэробусларининг Нукус орқали доимий қатнови учун рухсат этилди. Бундай тадбирлар кўрилаётгани йўловчилар ташишни анча кўпайтиришга ёрдам беряпти, албатта. Аэровокзалда ошхона, ресторан, чойхона ишлаб турибди.

Йўловчи ташиш ишларини кенгайтириш мақсадида соатига 350 йўловчи қабул қила оладиган янги аэропорт қурилишига киришилди. 166-қурилиш трести бунёдкорлари бу объектда йил охиригача камида 300.000 сўмлик иш бажарадилар.

Лекин йўловчи қабул қилишнинг бу тариқа ортиб бориши уларга кўрсатиладиган хизматни ҳам тобора яхшилаш тадбирларини кўришни тақозо этади. Овқатланишни ташкил этишни такомиллаштириш, йўловчиларга кўрсатиладиган маданий хизматнинг прогрессив усулларини кенг жорий этиш зарур.

— Аэробусларнинг Нукус аэропорти орқали қатнови салоннинг ўзида овқатлантириш имконини берадиган цех очишни зарур қилиб қўймоқда, — деди бирлашган авиаотряд командири, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати Жўллибой Ўроз боев. — «Роҳат» кафеси Ўрта Осиё темир йўли ресторанлар идораси ихтиёрига олиб берилса, бу масала тезроқ ҳал этилар эди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ОРОЛ ЖАМҒАРМАСИГА

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг «Фрунзевец» рўзномаси шу йил январдан бошлаб Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон аҳолиси учун оммабоп бўлиб қолди. Бугунги кунда уни «Союзпечать» дўконларида бемалол харид қилиш мумкин. Бу нарса рўзнома муҳарририяти ижодий жамоаси ишини қайта қуришга олиб келди. Ҳозирги пайтда «Фрунзевец» журналистлари мунтазам ижодий изланишда бўлиб, улар рўзноманинг хилма-хил тематик сонларини ва ҳафталикларини чиқармоқда.

Газетанинг **«ЎРТА ОСИЁ ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН БЎЙЛАБ»** умумий сарлавҳаси остида чиқарилган махсус биринчи сони кенг ўқувчилар доирасига мўлжалланган. Сиз ундаги мақолаларни ўқиб, юртдош йигитларимизнинг Тинч океанда армия хизматини қандай ўтаётганликлари, ҳарбий коллективларда миллатлараро муносабатлар муаммолари қандай ҳал этилаётганлиги билан танишасиз. «Минтақанинг ўтли нуқталари» деб аталмиш учинчи саҳифада Ўш вилоятидаги воқеалар ёритилган. Ички ишлар министрлиги ўтказаётган «Қора дори» операцияси ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

«Фрунзевец» рўзномаси муҳарририяти жамоаси саксонинчи йилларнинг ўрталарида-ёқ Орол денгизи тақдири ҳақида биринчилар қаторида бонг урган эди. Ўзбекистон телевидениеси ташкил этган телекўрсатуви давомида «Фрунзевец» журналистлари ўз анъаналарига содиқ қолиб, Оролни сақлаб қолиш жамғармасига кунлик иш ҳақларини ўтказдилар.

«Фрунзевец»нинг бу махсус сони ҳайрия юмушлари силсиласидан бўлиб 5 тийин нархида сотилмоқда. Чакана савдодан тушган барча фойда Оролни сақлаб қолиш жамғармасига ўтказилади.

Ижара пудрати ҳақида ўйлар

Сирдарё вилоятида «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири Абдужалил УМАРОВ иш бошлади. У вилоят муштарийларига яхши таниш. Илгари ҳам рўзномамизнинг вилоятдаги мухбири бўлиб ишлаган, сўнгра «Сирдарё ҳақиқати» газетасида муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарганди.

Қуйида унинг мақоласи билан танишасиз.

ДЕҲҚОН ТАНЛАГАН ЙЎЛ

— Ўтган йили хўжалигимиз бўйича учта бригада ижара пудратига ўтиб ишлаган эди, — таъкидлади вилоят миқёсида бўлаётган катта йиғин минбаридан туриб Ховос районидаги «Фарҳод» совхозининг директори Г. Сувонқулов. — Йил якунига келганда натижалар шундай бўлдики, эндиликда бутун хўжалигимиз бўйича ижара пудратига ўтишга аҳд қилдик. Одамларнинг талаблари шундай бўлди.

Янги усул кўпчилик диққатини қандай қилиб ўзига тортди? Бунга қандай иқтисодий омиллар сабабчи бўлди. Биз хўжаликда биринчилардан бўлиб ижара пудратига ўтиб ишлай бошлаган бригада деҳқонлари билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик:

— Мана, кўриб турибсиз, майдонимиз яхлит ва у катта йўл ёқасида жойлашган, — дейди ижарачи бригада бошлиғи Юсуф Усанов. — Ростини айтсам, ҳар ким дала бошига келиб, кўрсатма бераверишни жонимизга тегиб кетган эди. Келиб-кетадиган раҳбарларнинг ҳам, мутахассисларнинг ҳам вазифалари, лавозимлари бизникидан юқори, албатта. Айтган гапларига хўп, демасанг, бўлмайди. Уларга «хўп» деявериб, ўзингда мустақиллик қолмас экан. Баъзан бригадада ўзингни омонат сезиб қоласан киши. Ўргатувчилар кўп. Лекин йил охирлаганда ўзимдан бошқа жавобгар одам топилмайди. Шуларни ўйлаб, ижара ҳақида гап кетганда, ҳеч бўлмаганда ўз бригадамга хўжайин бўларман, мустақилроқ ишлармиз, дедим-да, одамлар билан маслаҳатлашиб совхозда биринчи бўлиб ана шу янгиликни қабул қилишга қарор қилдик.

Энди икки оғиз бригадирнинг ўзи ҳақида. У деҳқончилик, пахтачиликда суяги қотганлардан. Ёши ўттиз олтида. Маълумоти олий. Ўн йилдан бери бригада сарқори бўлиб ишламоқда. Олти фарзанднинг отаси, мушоҳадали, вазмин одам.

Совхоз маъмурияти билан ижарачи коллектив ўртасида беш йиллик муддатга шартнома тузилди. Бу бир томондан ижарачи зиммасига катта масъулият юкласа-да, иккинчи томондан кўпдан кутилган ҳаракат эркинлигини берган эди.

Бригада бошлиғи ўйлаганидек, одамларнинг дала ишларига бўлган муносабатлари аста-секин ўзгара борди. Масалан, илгари сувчиларни сира ҳам чопиққа солиб бўлмасди. Биз сувга ойлик оламиз, чопиғингни қўй, дейишарди улар. Эндиликда эса бундай бирёқламаликларга ўрин қолмади. Ҳатто механизатор ҳам лозим бўлганда сув қўядиган, керагида кетмон олиб чопиққа тушадиган бўлди. Бригаданинг барча ўн нафар ишчиси ана шундай: ҳосил манфаати йўлида қандай иш лозим бўлса — ўшани қилиб кетаверадиган бўлди. Илгаригидек булар учун бақир-чақирлар, ортиқча ташвиқотларга ўрин қолмади. Энг муҳими, одамлар ўз ери, даласига бошқача меҳр қўя бошлаган эдилар.

Бу ҳол сўзсиз ҳосил тақдирида ўз аксини топиши керак эди ва шундай бўлиб чиқди ҳам.

— Эллик уч гектарлик яхлит майдонда деҳқончилик қилган бригада коллективи, — дейди бўлим ҳисобчиси Олим Орипов, — янгилик шарофати туфайли ўтган йил якунига кўра жами 24 минг 370 сўм даромад олди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 320 сўмданга тўғри келди.

Қўшни 3-бўлимдаги ижарачи звено бошлиғи Абдумўмин Ваҳобов ҳали анча ёш. Унинг иккинчи йил звенога етакчилик қилиши. Лекин шунга қарамай, у бўлим, қолаверса хўжаликдаги оқсоқол, тажрибали ва катта ёшдаги бригадир ва звено бошлиқларига кўра шижоатлироқ, дадилроқ чиқди. Абдумўминни ҳеч ким ижара пудратига ўтиб ишлашга даъват қилгани йўқ. Янгиликни аввало у қалбан ҳис этди. Матбуот саҳифаларини кузатиб борди. Кўп ўқиди. Қизиқди. Мутахассислар маслаҳатларини олди. Ёшлик шижоати дадил бўлишга ундаса, масъулият туйғуси эса баъзан иккилантиради ҳам.

— Қатъий бир қарорга келишдан олдин совхозимиз бош иқтисодчиси Бекқул ака Норқулов ҳузурига бордим, — дейди ёш ижарачи. — У киши деярли ўттиз йилдан бери иқтисодчи бўлиб ишлайдилар. Камтарин, оққўнгил, тўғрисўз, яхши одам.

Бекқул ака мен билан анча суҳбатлашиб ўтирдилар. Ер шароитимиз, онлам, одамлар, бошқа нарсалар ҳақида сўраб-суриштирди. Сўнг тўғри маслаҳат берди. Гапнинг очиғини айтганда, ижара пудрати, унинг иқтисодий томонлари ва бошқа нарсалар ҳақида дастлабки жиддий сабоқни ундан олдим. Сўнгра кўнглини тўқ қилиб, шартномаларни расмийлаштиришга киришдим...

Ёш деҳқонлар қалбидан аста-секин ўрин олаётган эркинлик, хўжайинлик ҳисси, танлаган йўлга бўлган ишонч, фидокорона меҳнат бу ерда ҳам ўзининг ижобий самарасини берди. Йил якунига кўра бўлимдаги бошқа бригада ва звенолар олинган ҳар бир сўм меҳнат ҳақига ўрта ҳисобда 30—50 тийиндан даромад олган бўлсалар, ижарачи коллективда бу кўрсаткич 1 сўму 20 тийинга тўғри келди. Натижада 30 гектарлик майдонда пахта етиштирган ижарачилар жами 12 минг сўмдан зиёд даромад олдилар.

Ана шу икки коллектив томонидан эришилган натижа йил охирида бутун совхоз меҳнат аҳлининг диққат-эътиборини ўзига тортди. Натижада юқорида таъкидлаб ўтилгандек, эндиликда баъзи шижоаткорларгина эмас, бутун совхоз меҳнат аҳли бу йилдан бошлаб ёппасига ижара пудратига ўтиб меҳнат қилмоқда.

— Мен гапнинг лўндасини айтиб қўя қолай, — деди ўша нуфузли йиғилиш минбаридан Ворошилов районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи, вилоят Советининг депутати Ботир Бегалиев. — Бригадамиз одамлари ҳар куни 13 чақиримлик масофага қатнаб меҳнат қиладилар. Шароитимиз оғир, техника, сув, ўғит етишмайди. Бундай шароитда ижара пудратига ўтиб ишлай олмаймиз. Мен қўшни совхоз директори Ёқубжон Муҳиддинов билан суҳбатлашдим. У киши ҳам асосан ана шу фикрда эканлар.

Гарчи фикрлар хилма-хиллиги даври бўлса-да, менга «Фарҳод» совхози ижарачиларининг умидворлик қарашларидан сўнг Ботир Бегалиевнинг юқоридаги дангал ва ишонч билан айтган гаплари ғалати туюлди... Бу ворошиловлик деҳқонларнинг кўпчилиги томонидан ёқланаётган фикрми ёки маълум кишилар мақсадини ёқлаш тариқасида айтилаётган гапларми? Масаланинг ана шу принципиал томонига аниқлик киритиб олиш истаги пайдо бўлди.

Орадан кўп ўтмай Бегалиевни қўшни хўжалик — «Шўрўзак» совхозида учратиб қолдим. Районда хўжаликлараро ўзаро текшириш кунлари бошланган палла эди. Суҳбатимиз яна ижара масаласига кўчди.

— Шахсан менга ижарага ўтиб ишлаш фойдали эмас, — дейди бригадир олдинги фикрини давом эттириб. — Чунки шароитимиз, имкониятларимиз тўғри келмайди. Масалан, ижарачи бўлсам, балки эрталаб соат олтидан туриб ишга чиққим келар. Лекин буни ҳозир қилиб кўринг-чи?

— Нега? — қизиқдик биз.

— Бизни ўн уч чақирим наридаги даламизга олиб бориб қўйиш учун қайси азамат эрталаб тонг саҳардан йўлга чиқади? Транспорт масаласи совхозда оғир. Машина бўлмай далага боролмай қолган кунларимиз кўп бўлган.

— Ҳар куни совхоздан машина кутиш ўрнига, бригаданинг ўзига от-арава қилиб олсангиз бўлмайдими?

— Бўлади! — деди у кутилмаган фикрдан жонланиб. Сўнг яна қўшиб қўйди:

— От-арава ҳозирги замонга тўғри келармикан?..

Иш манфаатига «замон» тушунчасининг нима алоқаси бор? Буни бригадирнинг ўзи ҳам тушунади, шекилли, охири розилик маъносида жим қолди. Кейин эса ўз фикрини ҳимоя қилишни давом эттириб, деди:

— Ижарага жон деб ўтган бўлардим. Лекин буни қаранг: еримизнинг ҳаммаси юз фоиз вильт билан касалланган. Бирор йили тасодифан нав танлашда адашсам ёки бошқа хатога йўл қўйсам, кутилган ҳосил бўлмай қолса, рўй берган зарарни ёнимдан тўлайманми? Одамлар тақдири нима бўлади? Бунақанги сабаблар талайгина.

Сўзсиз, ижара пудратига ўтиш учун қанчадан-қанча масъулиятни зиммага олишга тўғри келади. Бунга эса ҳамма ҳам журъат этавермайди, албатта.

Ботир Бегалиев қалбидаги иккиланиш, чўчиш, ҳадиксираш сингари кайфиятлар ҳозирча фақат бригадирлардагина эмас, балки хўжалик раҳбарлари, район мутахассисларида ҳам мавжуд. Хўш, нега шундай бўлмоқда?

Масалан, «Шўрўзак» совхозида қуйидаги вазият рўй берди: 1989 хўжалик йилининг бошиданоқ бутун совхоз бўйича ёппасига ижара пудратига ўтиб ишлашга қарор қилинди. Лекин йил охирига етар-етмасданоқ бу тадбир барбод бўла бошлади. Совхоз директори Ўрол Қувондиқовнинг айтишича, бунга сабаб, биринчидан муҳим ишга пухта ўйланмай, яхши тайёргарликсиз киришилгани бўлса, иккинчидан ҳозирча хўжаликда ижарага ўтиш учун етарли шарт-шароитларнинг йўқлиги сабаб бўлган.

— Ижарачиларга биринчидан вақтида сув, иккинчидан, минерал ўғитларни, учинчидан, ёқилғи-мойлаш материалларини, эҳтиёт қисмларни етказиб бера олмай қолдик. Бунинг устига бизга яна бир жиддий тўсиқ бўлган нарса — хўжалигимизда ер етишмай, ишсиз қолаётганлар сони кўпая бошлади, — дейди совхоз директори.

Шунингдек, хўжалик раҳбарининг таъкидлашича, бригадирлар чек юрита олмадилар. Бунинг учун бригада бошлиқларида ҳам, совхоз раҳбарларида ҳам малака етишмайди. Ваҳолонки, ижарага ўтган бригадирларнинг албатта шахсий чеклари бўлиши керак. Ўрол Қувондиқовнинг фикрича, ижара пудратига ўтилган тақдирда гарчи одамлар манфаати ошса-да, аммо хўжалик иқтисодий жиҳатдан ўтириб қолар экан. Охири фикрини якунлаб, бизнинг эски зоналарга ижара пудрати тўғри келмайди, деган хулосани билдирди. Одамлар ҳозирча оладиган фойдани ўйлашмоқда-ю, аммо ер тақдири, одамлар учун жавобгарликни, масъулиятни чуқур тушуниб етмаётирлар, деди у сўзларини якунлаб.

— Ижарага ўтишдан аввал унинг нозик томонларини пухта ўрганишимиз керак, — дейди райондаги йирик хўжаликлардан бири бўлган «Социализм» совхозининг директори Ёқубжон Муҳиддинов. — Ижарага ўтилгандан сўнг ер эгасига аслида юқоридан турли кўрсатмалар, планлар берилиши керак эмас. Биз эса ҳозирча бунга тайёр эмасмиз. Давлат хўжаликлари ҳам, ижарага ўтган хўжаликлару бригадалар ҳам давлат планлари, буюртмалари асосида ишлашга мажбур. Раҳбар тақдири эса биласиз, ҳамон планга боғлиқ. Бунинг устига бизнинг эски, аҳоли зич жойлашган зонада ижара пудратига ўтилганидан сўнг кўплаб одамлар ишсиз қолишмоқда. Шунинг учун ижара пудрати ҳозирча бизларга бўлмайди, қўриқ зонадагиларга эса қулай. У ерда ер кўп — одам оз.

Кўриниб турибдики, юқорида биз тилга олган Ботир Бегалиев сўзлари унинг фикри эмас, балки раҳбарларнинг кайфиятидан келиб чиққан экан. Районда дастлаб ижарачилик ҳаракати бошланганда унга қизиқувчилар кўп бўлди. Лекин бу ишга юқоридаги ўртоқларнинг ўзлари холис таъкидлаб ўтишганидек, пухта тайёргарликсиз, шошма-шошарлик билан киришилгани туфайли янгиликнинг асл моҳиятига етиб улгурмасдан умидсизлик аломатлари пайдо бўлди. Деҳқонлар бу ишдан чўчий бошладилар. Раҳбарлар эса ихтиёрийликни, баъзи ҳолларда эса пинҳона қаршилик йўлини тутган кўринадилар. Шунинг учун ҳам бу йил район хўжаликларида ўтган йилдагига нисбатан ижарачилар сони деярли 50 фоизга камайиб кетган.

Юқоридаги фикрлардан қатъи назар, районда ижара пудратига астойдил меҳр қўйиб, ишонч билан меҳнат қилаётган деҳқонлар йўқ эмас. Биз ана шундай коллективни ҳам «Социализм» совхозида учратдик. Бу 2-бўлимдаги Жуман Умиров бошлиқ коллективдир.

Жуман Умиров Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг IV курсида сиртдан таълим олар экан. Ўқийдиган, изланадиган, замонавий деҳқончилик сирларидан яхши хабардор бўлган, иродали йигит. У ўз хоҳиши билан ўтган йилдан бошлаб ижара пудратини танлади. Қўйингки, деярли барча соҳаларда ҳозирча совхоз бош иқтисодчисининг ёрдамчиси Отамурод Исроилов билан ўтган йили ижарачи бригадир эришган натижаларни шошилмай, бирма-бир ўрганиб чиқдик. Унинг натижаларини ижарага ўтмай ишлаётган бошқа коллективларга таққослаб кўрдик.

Мана, ижарачилар, эришган натижалар: ўтган йили 79 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 29 ўрнига 37,2 центнердан пахта ҳосили олинди. Совхоз бўйича бир центнер пахтанинг таннархи ўртача 46 сўм 67 тийинданга тушди. Ижарачи бригадада эса бу кўрсаткич 40 сўм 35 тийинга тўғри келди. Ижарачиларнинг ҳар бири бир йилда ўрта ҳисобда 4 минг 812 сўмдан даромад қилди. Ёки ўртача ойлик иш ҳақи 401 сўмданга тўғри келди. Қўшни 1-бўлимдаги энг илғор бригадалардан бири Зариф Тўраев бош бўлган коллективда (унинг ҳосилдорлиги гектар бошига 36,7 центнерданга тушган) эса ўртача ойлик иш ҳақи 300 сўмдан тушди.

Жуман Умиров билан суҳбатлашдик. Унинг фикрича, деҳқончиликнинг келажаги энди ижарада. Буни у ўз коллективи мисолида кўриб турибди. Одамларда ўз ишларига бўлган муносабат кескин ўзгарди. Улар ўзларининг ҳайдов, иккита чопиқ, битта транспорт тракторига, 2 та тележкасига эга. Одамларга «ишга чиқ!» дейишнинг ҳам ҳожати қолмаётир. Ҳар ким ўз жойи, ўз ўрни, вазифасини яхши билади. Қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Керак пайтида ёқилғи, техника учун тайёр қисмлар топилмай қолаётир. Қолган нарсалардан ташвиш қилмаса ҳам бўлади. Минерал ўғитларни ижарачилар асосан қишда ғамлаб қўйишмоқда.

Ҳа, деҳқончилик келажаги — ижарада. Зеро, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди руҳи, йўл-йўриқларида ҳам бу нарса яққол сезилди. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг бошқа соҳалари қатори деҳқончиликда ижара пудратини жонлантириш, ернинг чинакам ўз жонкуярлари, хўжайинлари ихтиёрига топшириш ҳақида қимматли фикрлар айтилди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Энди амалий ишларга ўтиш фурсати етди.

Ўлкамизнинг барча жойларида бўлаётгани каби Сирдарё вилоятида ҳам ижара ўзига йўл очиб бораётир. Масалан, ўтган йили 1375 дан ортиқ бригада ижара пудратига ўтиб ишлаган. Бу умумий бригада ва звеноларнинг деярли 40 фоизини ташкил этар экан. Ижарачилар сафи бу йил яна кенгайди. Ана шу рақамларга қараб туриб, қувонгинг келади. Бироқ бригада ва звенолар ижара пудратини ўзлаштириш йўлида эндигина тетапоя бўлиб, дастлабки қадамларни ташлаётганликлари — уларнинг оёққа туриб, ўз ерларининг чинакам хўжайинлари бўлиб олишлари йўлида ҳали кўп қийинчиликларга дуч келажаклари, шунинг учун ҳам уларга ҳар тарафлама ёрдам, мадад бериш кераклигини эсдан чиқармаслик лозим.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Далил ва шарҳ

ЧАНҚОҚ БОСАДИ

Инсон ёзда кўп миқдорда сув истеъмол қилади. Шундай кезлари чанқовбосди ичимликлар — яхна чой, турли хил шарбатлар, айниқса айрон (чалоп)ни ичиш тавсия этилади. Ҳақиқатан айрон ташналикни қондиради ва у инсон саломатлиги учун фойдалидир. Шу билан бирга айронни ошқозон-ичак фаолияти бузилганда, офтоб урганда ҳам ичиш мақсадга мувофиқдир. Айроннинг таркибида оқсил моддаси, кальций, калий тузлари ва бир қанча микроэлементлар мавжуд. Организмнинг физиологик мувозанатини бир меъёрда сақлайди.

Яқинда Фарғона вилояти ноҳияларининг бирида бўлганимизда йўл четида болалар айрон сотишаётган эди. Райҳон майдалаб солинган айронни ичиб, танимиз яйради. Шу пайт айрон сотувчи болалар бирдан челакларини ташлаб, тум-тарақай тарқаб кетишди. Улардан бирини тўхтатиб сабабини сўрадик.

— Милиция келяпти-ку, айрон сотиш ман этилган, — деди у атрофга олазарак боқиб.

Ушбу ҳолатни шарҳлаб бериш учун ЎзССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бош бошқармасининг бўлим мудири **Н. Ж. ЖЎРАЕВ**га мурожаат этдик.

— Аввало шуни айтиш керакки, кўча-кўйда ҳар хил кишиларнинг турли таомлар, ичимликлар тайёрлаб сотишлари ман этилган. Айрон эса ҳақиқатан организм учун жуда фойдали чанқовбосди, шифобахш ичимлик. Лекин, санитария қоидаларига амал қилган ҳолда, фақат сузма қатиқлардан тайёрланиб сотиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, айрон сотишда ишлатиладиган идишлар озода бўлиши, иложи борича бир марта ишлатиладиган идишлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчимиз. Ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳамма ноҳияларида санитария маорифи уйлари ўрнига ноҳия саломатлик марказлари ташкил этилди. Саломатлик марказларининг хўжалик ҳисобидаги шоҳобчалари орқали халқимизга шифобахш айрон сотишни йўлга қўйсак хайрли иш қилган бўлур эдик.

Иссиқ кунларда айрон ичинг. Зеро, у чанқоғингизни босади. Соғлигингизга ҳам фойдали.

А. ЭРГАШЕВ,
жумҳурият саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими.





СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Пахта майдонлари қисқартирилиши оқибатида Термиз ноҳиясидаги «Дўстлик» колхозининг маккажўхоризорлари 100 гектарга кенгайтирилди. Айни кунларда 70 гектарли майдонда дон учун маккажўхори ўрими авжида. Қолган ерларда эса силос тайёрланади. Хўжалик фақат колхоз фермасинигина эмас, балки колхозчиларни ҳам озуқа билан таъминлайди.

Суратларда: комбайнчилар Бобохўжа Норов (чапда), Усмон Иброҳимов ҳамда ўрим пайти.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» КЕЛДИ

● «Булунғур» совхозининг Бешкўтон қишлоғи хонадонларига «зангори олов» келди. Шунингдек, «Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги» хўжалиги ҳудудидаги Комсомол қишлоғи аҳолиси ҳам табиий газдан баҳраманд бўла бошлади.

МЕВА ҚУРИТИШ КОРХОНАСИ

● Депара маркази Красногвардейскда Италиянинг «Сандвик» фирмаси билан ҳамкорликда мева қуритиш заводи ишга туширилди. Корхона автомат дастгоҳлар билан жиҳозланди. Завод соатига 6 тонна узум, олма, ўрик ва бошқа меваларни қуритиб, майиз, қоқи тайёрлайди. Бундан ташқари, сабзи, пиёз, картошка сингари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида қуритиш имконияти ҳам бор.

Қуруқ меваларни қадоқлаш заводи ҳам бунёд этилди. Бу ерда қўшни корхона маҳсулотлари — майиз, мева қоқи қадоқланади. Ушбу завод АҚШнинг ФМС фирмаси билан ҳамкорликда қурилди. Цехларга чет эл фирмаси дастгоҳлари ўрнатилди. Заводда бир йилда 45 минг тонна маҳсулот қадоқланади.

Ҳар икки корхонани 486-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари чет эл фирмалари билан ҳамкорликда бунёд этдилар.

«ЗАРАФШОН» ЧОЙХОНАСИ

● Килдон қишлоғи аҳолисига янги чойхона хизмат кўрсата бошлади. Чойхона айвони устунлари, пештоқи эшик ва деразаларига наққошлик ва ўймакорлик санъати намуналари асосида жило берилган. Бу қийин ва мураккаб вазифани шу қишлоқлик ажойиб ҳунарманд — уста Эргаш Сатторов шогирдлари билан бирга бажарди.

Қ. ХАЛИЛОВ,
Булунғур депара «Коммунист» газетаси муҳаррири ўринбосари.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

СУРОНЛИ ЙИЛЛАР САДОСИ

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИНИ УҚИБ)

Улуғ Ватан уруши йилномасида халқимизнинг она Ватанга, ўз жанговар бурчига чексиз садоқати, совет кишисининг мардлиги ва матонатини ифодаловчи саҳифалар кўп. Ўзбекистонлик йигит-қизлар ҳам бу шонли саҳифаларни бойитишга муносиб ҳисса қўшдилар. Редакциямизга келаётган кўпгина хатларда уруш иштирокчилари шоҳид бўлган воқеалар, Ватан ҳимоячиларининг орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари ҳикоя қилинади. Ўша оловли ва суронли йиллар садоси эшитилгандек бўлади.

Мана, улардан бири:

«Бултурбой Омонов. У Улуғ Ватан уруши қаҳрамони, жанговар «Шуҳрат» ордени учала даражасининг нишондори. Жасур разведкачи. Унинг мукофот варақасида қуйидаги сўзлар битилган: «Қизил аскар бошчилигидаги разведкачилар группаси 1943 йил 19 октябрь куни душман мудофааси олдига яқин бориб, ниқобланган ДЗОТни, иккита станокли пулемётни ва танкка қарши отувчи тўпни аниқлади. Бу мўлжалларни бизнинг тўпларимиз яксон қилди. Натижада 562-ўқчи полк душман мудофаасини ёриб ўтишига имкон туғилди».

Омонов группасининг бу хизмати учун 4-тўпчилар корпуси командирининг тавсияси билан Омонов III даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди.

Б. Омоновнинг мукофот варақасида бундай ёзувлар анчагина. Урушдан сўнг Бултурбой Омонов Андижон ноҳиясидаги Бобоғози қишлоғига қайтиб келди. Қишлоқ аҳли ўз қаҳрамон фарзандини зўр қувонч билан кутиб олди», — деб ёзади М. Раҳимов.

Марғилонлик А. Қутбиддинов «Қизил Юлдуз», II даражали «Ватан уруши» орденлари соҳиби Каримжон ота Юнусов, пайариқлик А. Эргашев Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусалим Деҳқонбоев, хўжаободлик Т. Нурматов, II, III даражали «Шуҳрат» орденлари нишондори Обиджон Раҳимов, сайрамлик Холбуви Ҳасанова «Жанговар Қизил байроқ», «Қизил Юлдуз», III даражали «Шуҳрат» орденлари эгаси Ниёзали ака Йўлдошевларнинг душман билан олишувларда кўрсатган жасоратлари ҳақида ҳикоя қилганлар.

Шунингдек, газетхонлардан Н. Тоғайназаров, Ш. Ҳошимов, И. Тўхтасинов, Ҳ. Қиличев, Т. Жамолов, А. Бурлиев, И. Нуннаев, Н. Шадрин, Ш. Раззоқова, О. Салимова ва бошқа ўртоқларнинг хатларидан ҳам ана шундай маъно ўқиймиз.

Иттифоқимизда уруш ўз қора кўланкасини солмаган хонадон деярлик йўқ. Шу кунгача отаси, бобоси, акаси ёки ўғли қаерда ҳалок бўлганини, унинг жасади қаерга кўмилганини аниқлашда ёрдам кўрсатишимизни илтимос қилиб ёзилган кўплаб хатлар келиб турибди. Хат муаллифлари ўз яқинлари ҳақида «қорахат» олганликларига қарамасдан, улар билан дийдор кўришиш умидини тарк этолмайдилар, интиқ қалблар умид билан учрашувга талпинадилар.

Эҳтимол, Тошкент вилоятининг собиқ Қуйи Чирчиқ районидаги Тошкўприк қишлоғидан урушга кетган 175-ўқчи дивизиянинг 277-ўқчи полкига қарашли танкка қарши қурол командири Жуманазар Ўрозовнинг қариндош-уруғлари ҳам ана шундай кишилар жумласидандир. У, Ғарбий Буг дарёси қирғоқларида Польша тупроғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Суворов орденли Қизил Байроқли 76-ўқчи Ельна-Варшава дивизияси ветерани М. Бековнинг қаҳрамон ҳақидаги қуйидаги маълумотлари инсон қалбини ҳаяжонга солади. Суронли йиллар манзараларини кўз ўнгимизда жонлантиради: «Ватан уруши бошланганда Жуманазар Ўрозов 35 ёшдан ошган эди. Бу ташвишли хабар уни қаттиқ изтиробга солди. 1938 йилдан КПСС аъзоси Ж. Ўрозов ҳарбий комиссариатга бориб кўнгиллилар қаторида фронтга юборишларини сўради.

...Кичик лейтенантлар курсидаги ўқиш ортда қолди. Жуманазар 175-ўқчи дивизиянинг 277-Карель Қизил байроқли ўқчи полкида Ковель шаҳри учун шиддатли жанглар олиб борарди. Бу вақтда бизнинг 76-ўқчи Қизил Байроқли Ельна дивизиямиз 175-ўқчи дивизия қисмлари билан ҳамкорликда Волиндаги Ковель остоналарида душман қўшинларини тор-мор қилиб бўлмоқда эди.

1944 йилнинг 20 июль куни. 76-, 175-ўқчи дивизиялар 47-армия қўшилмалари составида Ғарбий Буг дарёсининг Шарқий қирғоғига жанглар билан чиқишди. Ҳаво ниҳоятда иссиқ. Қон ва порох ҳиди анқирди. Офицер Жуманазар Ўрозов қаршидаги қирғоққа тикилиб турарди. У ерда душман истеҳкоми. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам уни мажақлаш ва Варшавага йўл олиш даркор.

176-ўқчи дивизия полклари эрта тонгда дарёни кечиб, бизнинг давлат чегараларимизни босиб ўтишди. Польшани озод қилиш учун шиддатли жанглар бошланди. Бу ҳужум жангларида Ўрозовнинг ўзи ва унинг зирҳтешарлари алоҳида мардлик кўрсатдилар. Полк командири Ж. Ўрозовни юксак давлат мукофотига тавсия қилар экан, шундай таъкидлайди: «Лейтенант Ўрозов қўмондонлик қилган взвод 22 июль 1944 йилнинг ҳужум жангларида биринчи бўлиб Буг дарёсини кечиб ўтди ва қарши ҳужум қилаётган душманни йўқ қилди. Бельский районидаги Красавина қишлоғи атрофида гитлерчилар бизнинг жангчиларимизни қуршовга олган эди. Бироқ ўртоқ Ўрозовнинг матонати туфайли пиёда аскарларимиз қарши ҳужумга ўтди. Фашистларнинг асосий кучлари, ўт очиш нуқталарини йўқ қилди. Ўртоқ Ўрозов душман ҳалқасини ёриб кириб, унга орқа томондан ўт очди. Гитлерчилар жанг майдонида бир ротага яқин ярадор ва ўлган аскарларини қолдириб тумтарақай қоча бошлади. Душман ҳужуми қайтарилди. Ана шу жангда лейтенант Ўрозов ҳалок бўлди».

Жуманазар Ўрозовнинг жасади Польшанинг Бельский районидаги Красавина қишлоғига жойлашган дивизиямизнинг ҳарбий қабристонига қўйилди.

277-ўқчи полк командири унинг қабри устида тўлқинланиб айтган изтиробли сўзлари ҳамон эсимда: «Ватан ва поляк халқи ҳеч қачон сизларни, ўз қаҳрамонларини унутмайди».

Тез орада ўзбекистонлик жасур йигитнинг жасорати дивизиямиз қисмларида достон бўлди.

Она-Ватан офицер Ўрозов жасоратини муносиб тақдирлади. У ўлимидан сўнг I даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

Жуманазар Ўрозов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Балки унинг рафиқаси ва фарзандлари бордир. Улар она-Ватан бахт-саодати йўлида ўз азиз жонини фидо этган қаҳрамон ҳақидаги лавҳаларни янги чизгилар билан бойитишар».

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Она-Ватан ва халқимиз ўз жасур фарзандлари хотирасини дил тўрида сақламоқда. Кўчалар, хиёбонлар улар номи билан аталмоқда. Ёдгорликлар бунёд этилмоқда.

«Иштихон районидаги «Коммунизм» колхозида Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги муносабати билан ёдгорлик комплекси қурилди, — деб хабар қилади Ў. Саидов. — Мармар тахтачаларга шу ердан урушга кетиб, қайтмаган 262 нафар жангчининг исми шарифи ёзиб қўйилди. «Янгикент» совхози марказида ҳам Номаълум жангчи ҳайкали ўрнатилди. Район комсомол комитети маблағи ҳисобига Митан посёлкасида Афғонистонда байналмилал бурчини адо этаётиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган 7 нафар иштихонлик йигитлар хотирасига ҳам ёдгорлик ўрнатилди».

Газетхонлардан Ж. Тўқсонов, К. Дурумов, Я. Эшмуродов, Ҳ. Умиров, А. Аҳадов, О. Абраев, М. Абдувалиев, М. Тўхтаев, М. Норов, Г. Усмонова, Э. Латипов, П. Эргашев ва бошқа ўртоқларнинг мактубларида ҳам ана шундай маъно ифодаланган.

Мактублар. Улар турли шаҳар ва қишлоқлардан, мамлакатимизнинг турли ўлкаларидан йўлланган. Лекин уларни ягона мазмун бирлаштиради. У ҳам бўлса совет аскарининг душманга қарши курашда кўрсатган мислсиз жасоратига, байналмилал бурчга чексиз садоқатига таъзим туйғулари.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Бугун — Физкультўрачилар куни

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

Халқимизда йиқилган курашга тўймас, деган нақл бор. Бунинг боиси, полвонлар ҳамиша беллашиш ҳуморида бўлганлар. Майдон ўртасида тарафкашни ўртага таклиф этишдан зиёда завқли тан олишмаган. Ўзбек полвонларининг доврўғи кенг тарқалган. Ҳатто Петербургдан келган курашчилар ҳам кураги ер искамаган полвонларимиз билан баҳслашишга чоғланиб кўришган. Бир сўз билан айтганда, миллий кураш халқимизнинг қадимий анъаналаридан. Ҳар қандай маросимлар, тўю тантаналар, айёмлар, полвонларнинг курашисиз ўтмаган. Зеро, кейинги пайтларда спортнинг миллий кураш турига эътибор бироз камайгандек. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР халқ депутати, Бағдод районидаги 18-мактаб директори, СССР ва Ўзбекистон ССР спорт мастери Рустам ТОЖИЕВ жамоатчи мухбиримиз билан мулоқотда ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ана шу полвон ҳақида қандай фикрдасиз?

— Дарҳақиқат, Аъзамполвон девқомат курашчилардан. У билан мухлислар ҳақли равишда фахрланишади. Ўрта Осиёнинг етук спортчиларидан, жумҳуриятимиз биринчи чемпиони бўлган. Эсимда, 1953 йили Тошкентдаги ўша пайтларда Жанггоҳ деб юритилувчи кураш майдони — Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида халқ сайиллари бўлиб турарди. Бу даврда Аҳмадполвон, Асқарполвон, Ҳамидполвонлар эътибор топган пайтлар эди. Сайиллар бир неча кун давом этарди. Асқарполвон рақибларини битта-битта енгиб, ўртага тарафкашини чорлашини қўймасди. Воқеанинг боришини зимдан кузатиб турган Аъзамполвон ўртага тушганда ишқибозлар ҳайқириғи янграганди. Аъзамполвоннинг яна омади келди. Унинг қўли кўтарилди. Уёғини сўрасангиз оилада янги ўғил дунёга келгудек бўлса, аввало, полвон эътиқод тимсоли бўлса ажаб эмас.

— Айтишларига қараганда ўша машҳур полвон сизга ҳам устозлик қилган эканлар.

— Дарвоқе, Аъзамполвондан сабоқ олиш менга ҳам насиб этган. 20 йил аввал Қўқондаги Муқимий номидаги маданият ва истироҳат боғида халқ сайили ўтказилиб, курашхона гавжум бўлди. Ўшанда омад бағдодлик полвонлардан юз ўгиргандай эди. Шундан Аъзамполвоннинг имоси билан бағдодликлар тарафини олиш ниятида ўртага чиққанман. Катта спортга қадам қўйишим ҳам шундан бошланган. Бағдодликлар ўртасида ғалаба фақат менинг номимга ёзилган.

— Сизнингча, катта тарихга эга бўлган миллий курашни ривожлантириш ва оммавийлигига эришиш учун нималарга эътибор қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг. Жумҳуриятимизда миллий курашни ривожлантириш учун йилига 35 минг сўм маблағ ажратилади. Демак, 7 кишига 1 тийиндан тўғри келади. Ваҳолонки, Ўзбекистоннинг ҳар бир кишисидан тийиндан йиғилса, 200 минг бўлади. Шунча маблағ билан миллий курашнинг моддий базасини мустаҳкамлаб бўладими.

Ўлкамизда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатишларига қарамай, жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳам жонбозлик қилаётган раҳбар ходимлар талайгина. Чунончи, Андижон давлат тиллар педагогика институти ректори, СССР халқ депутати Мухтор Умарҳўжаев, Бухоро гўшт комбинати директори Маҳмуд Холов, Тошкент асбобсозлик заводи директори Миер Галаутдинов ва бошқалар бу борадаги кўмакдошларимиз.

Ростини айтсам, бундай кишиларга ҳавасим келади. Уларнинг вақт топиб, эл соғлиғи ҳақида қайғуришлари диққатга сазовор. Муҳими, бундай одамлар шахсан ибрат кўрсатиб, ёшларга етакчилик қилишади. Умуман, ишбилармон кишилар жисмоний тарбия ва спортга аҳамият бериб, ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, кайфиятини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот сифатини созлашга эришмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, миллий курашнинг фарғонача ва бухороча турини ҳар томонлама ривожлантириш, жумҳуриятда физкультура ва спорт ишларини жонлантиришга имкон беради. Ёшларимиз катта спорт сари қадам ташлайдилар. Муҳими, жумҳуриятимизнинг иттифоқ ва жаҳон миқёсидаги нуфузининг янада ортишига муносиб ҳисса қўшилади.

Суҳбатни
А. ИМОМХЎЖАЕВ ёзиб олди.

Халқ депутати билан мулоқот

МАРДИ-МАЙДОНЛАР ҚАНИ?

«Яхши ният ўйинлари» ғолиблари



АҚШнинг Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида ўтказилган Яхши ният ўйинлари бетакрор натижалар, мусобақасиз баҳсларга бой бўлди. Совет спортчиларининг команда ҳисобидаги катта зафарига жумҳуриятимиз вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Мусобақада иштирок этган 11 спортчидан 8 нафари совринли ўринларни эгаллади. Спортчиларимиз еттита олтин ва тўртта кумуш медаль билан қайтишди. Оксана Чусовитина (юқорида) спорт гимнастикаси бўйича ғолиблик супасига кўтарилди. Артур Григорян 60 килограмм вазнли боксчилар сафида ғалаба қозонди. Маҳарбек Хадарцев эркин кураш бўйича олтин ва кумуш медалли бўлди. Виктор Зайцев эса найза улоқтиришда маҳорат кўрсатди.

Реклама ва эълонлар

БЎҒДОЙНИ ЁНҒИНДАН АСРАНГ!

Ғаллани олов чангалидан эҳтиётлаб сақлаш ғаллакорларнинг муқаддас бурчидир. Шу мақсадда республика колхоз ва совхозларининг раҳбарлари далаларнинг кеча-ю кундуз ишончли қўриқланишини таъминлашлари керак.

Бу масъулиятли тадбирда фақат ғаллакорларгина эмас, балки аҳоли, кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятининг аъзолари, маҳаллий мактабларнинг ўқувчилари, ёш ўт ўчирувчилар дружинасининг аъзолари ҳам фаол қатнашишлари лозим.

Умуман, ғалла йиғиб-териладиган ва сақланадиган жойларда ёнғиннинг олдини олиш учун барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш лозим.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: барча йиғим-терим комбайнлари, ҳосилни ташийдиган ҳамда уни йиғиш ва сақлаш жойи яқинида ишлайдиган трактор ва автомашиналар соз ҳолдаги учқун сўндиргичлар, ўт ўчиргичлар, сувли флягалар ва белкураклар билан албатта таъминланган бўлиши шарт. Қувват билан таъминлаш ва ўт олдириш системаси созланган бўлиши талаб этилади.

Совхозлар ва колхозларнинг ҳосил йиғим-теримида банд бўлган барча мутахассислари ва ишчилари ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билишлари ва унга қатъий амал қилишлари ёки ўт ўчириш техника минимуми курсини ўтишлари керак.

Ўриш мавсуми олдидан буғдойзорларнинг четларида бир чолғи ўроқ эни ҳажмида бўйлама ҳайдалган тупроқ саҳни билан 50 гектардан ортиқ бўлмаган майдонларга ажратиш керак. Бундай чегаралаш саҳнининг эни 10—12 метрдан иборат бўлиб, унинг ўртасидаги ерни (кўндаланггига) эни 6 метрлик саҳн кўринишида ҳайдаб чиқилади.

Буғдойзорларнинг катта тош йўлларга туташ жойларини эни камида 1 метрлик саҳн кўринишида ҳайдалади.

Дала шийпонлари ва дала ошхоналарини буғдойзорлар, хирмонлар, буғдой ғарамлари, сомон, похол, пичан уюмлари ва иморатларга 150 метрдан яқин масофага жойлаштириш мумкин эмас.

Ёнувчан ва осон аланга ёнувчан суюқликлар сақланадиган жой ёнғинга қарши тўсиқлар (1—2 та ўт ўчиргич ва 2—3 та белкурак) билан жиҳозланган бўлиши керак.

Похолни аҳоли пунктлари ва омборлардан камида 150 метрлик масофада ғарамлаш тавсия этилади.

Ғарамлаш жойларини ҳайдаб қўйиш ҳамда сувли бочка ва челаклар билан таъминлаш керак.

ҚУЙИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:

— буғдойзорлар, буғдой ва похол ғарамлари, хирмонлар ёнида ҳамда йиғим-терим машиналарида ишлаш пайтида чекиш (махсус ажратилган ва тегишлича жиҳозланган жойдагина чекиш рухсат этилади);


— ҳали ҳосили йиғиб олинмаган буғдойзорлар ва далалар, похол ғарамларидан 200 метрдан яқинроқ масофада гулхан ёқиш;

— иш тугагач, тракторлар ва комбайнларни далаларда қолдириш;

— тракторлар ва комбайнларнинг ёқилғи бакларига ҳосили йиғиб олинмаган майдонлардан камида 15 метр нарида ёқилғи қуйиш лозим;

— очиқ аланга воситасида йиғим-терим машиналарини тузатишни ва ёнувчан суюқликларда деталларни ювишларини ҳосили йиғиб олинмаган, чўқиртаклари тозаланмаган майдонлардан камида 50 метр нарида ёки дала йўллари чеккасида бажариш керак;

— болаларга буғдойзорлар, ҳосили йиғилаётган экин майдонлари, похол ғарамлари ёнида ўйнашга рухсат бермаслик керак.



«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.
ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ.

«Яхши ният ўйинлари» ғолиблари






Марина Шмонина (юқорида) эстафетали югуриш бўйича Яхши ният ўйинларининг чемпиони бўлди. Радион Гатауллин эса лангар билан сакрашда жаҳоннинг энг кучли спортчиси эканини яна бир карра намойиш этди. Чалқанча сузиш устаси Сергей Заболотнов кичик олимпиада деб юритилаётган халқаро мусобақадан иккита кумуш медаль билан қайтди.

Тошкентдаги 8-дорихона қошида шифобахш гиёҳлардан шарбат ва қайнатмалар тайёрлаб, меҳнаткашларга хизмат кўрсатилаётгани кўпчиликка маъқул келмоқда, «Фитобар»да шифо топиш, дам олиш ва фаол ҳаракатлар билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратилган. Алоҳида ҳонада гимнастика ва турли машқларни бажариш мумкин.

Суратда: фаол ҳаракатларга мослаштирилган хонада.


В. МОЛГАЧЕВ сурати.



Уларни дунё олқишлаган

СУҲРОБНИНГ ПАРВОЗИ

Душанбедан хат



Тожикистонлик мухлислар Суҳробнинг зафарини мамнуният билан эътироф этишди. Газета-журналлар ва радиотелевидениеларда унинг шанига илиқ гаплар айтилди. Биз ҳам Суҳроб билан яқиндан мулоқотда бўлиш, унинг муваффақият сирларини мушторийларга етказиш мақсадида суҳбатлашдик. Бизни бўйбасти келишган, дарозгина йигит қарши олди. Суҳроб Ҳамдамовдан катта спорт йўли, шахматга қизиқиши ва юксак ғалабаси тафсилотлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— 1966 йили Денов шаҳрида дунёга келганман. Отам Пўлат Искандаров ана шу шаҳарнинг бош меъмори саналарди. Замона зайли билан гўдаклигимдаёқ Душанбе шаҳрига келиб қолганман. Бу ерда таниш-билишлар, қариндошлар анчагина. Кўриш қобилиятим сустлигидан Ҳисор депарасидаги махсус мактаб-интернатда таҳсил олишга тўғри келди. Иккинчи синфда ўқиб юрган кезларимдаёқ илк бор қадимий ва мўъжизакор шатранж ўйинига қизиқиб қолдим. Кунт ва тинимсиз меҳнат талаб қиладиган бу ўйин оҳанрабоси торта бошлади. Мактабимизда ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб турдим. Ўзим билмаган ҳолда кўзга ташланиб қолибман.

Саккизинчи синфга ўтганимда мактаб чемпиони бўлдим. Шундан кейин жумҳурият, ҳатто Урта Осиё ва умумиттифоқ ўқувчилар спартакиадаларида қатнашиб, мукофотли ўринларни эгаллай бошладим. Ўрта мактабни тугатгач, Тожикистон политехника институтига ўқишга кирдим. Кўзларимнинг қуввати олий таълим таҳсилига дош беролмади. Сўнг, бутун кучимни шахматга бағишлашга аҳд қилдим. Мен буюк шахматчилар ватанида яшаётганимдан фахрланардим. Устозлар Нимцович, Капабланка, Алехин, қолаверса, Карпов, Каспаровларнинг китобларини қунт билан ўқидим.

Бу йил мен учун омадли келди. Украинанинг Житомир шаҳрида кўзи ожизлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида иштирок этдим. Дона суриш баҳсида РСФСР, Украина, Қозоғистон, Арманистон ва бошқа жумҳуриятлардан тўпланган 20 га яқин таниқли шахматчи қатнашди. Улардан иккиси халқаро классдаги спорт мастери бўлса, 3 нафари спорт мастери, қолганлари мастерликка номзодлар эди. Бу мусобақада ғолиблик супасига кўтарилиб чемпион бўламан, деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Лекин шунларнинг 50 фоизи эгаларига берилмади.

Аҳмадполвон, Азимполвон, Нурмуҳаммадполвон, Каримполвон каби курашчилар майдонга тушолмай қолишди. Бунинг устига аския пайров ва қизиқчиликларга бой бўладиган, куй ва қўшиқларга уланадиган мусобақаларга панжа орасидан қарашлар бошланди. Полвонларни рағбатлантириш ҳам кўнгилдагидек бўлмай қолди. Грузияда эса миллий кураш мусобақаси ғолибларига 4 минг сўмга қадар мукофот пули ажратилар экан. Бизда эса, 10-20 сўмдан ошмайди. Ана шундай шароитда ёшларда полвонликка ҳавас уйғотиш мумкинми?

— Жумҳуриятимизда спорт, хусусан миллий курашни ривожлантириш ва оммавийлигига эришиш учун маблағ ажратилмаётгани сабаб нимада?

— Ҳар ишда бўлганидек, курашни ривожлантириш, оммавийлигига эришишда ҳам ташкилотчилик алоҳида аҳамият касб этади. Айтайлик, Қўқондаги Муқимий номли маданият ва истироҳат боғи курашчиларнинг севимли манзилгоҳи ҳисобланарди. Афсуски, боғ маъмурияти анъанавий беллашувларга эътиборсизлик қилди. Курашчилар норози бўлди, ҳакам-у полвонлар меҳнати тақдирланмади. Тадбирлардан тўпланадиган тушумларнинг 50 фоизи эгаларига берилмади.

Аҳмадполвон, Азимполвон, Нурмуҳаммадполвон, Каримполвон каби курашчилар майдонга тушолмай қолишди. Бунинг устига аския пайров ва қизиқчиликларга бой бўладиган, куй ва қўшиқларга уланадиган мусобақаларга панжа орасидан қарашлар бошланди. Полвонларни рағбатлантириш ҳам кўнгилдагидек бўлмай қолди. Грузияда эса миллий кураш мусобақаси ғолибларига 4 минг сўмга қадар мукофот пули ажратилар экан. Бизда эса, 10-20 сўмдан ошмайди. Ана шундай шароитда ёшларда полвонликка ҳавас уйғотиш мумкинми?

— Жумҳуриятимизда спорт, хусусан миллий курашни ривожлантириш ва оммавийлигига эришиш учун нималарга эътибор қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг. Жумҳуриятимизда миллий курашни ривожлантириш учун йилига 35 минг сўм маблағ ажратилади. Демак, 7 кишига 1 тийиндан тўғри келади. Ваҳолонки, Ўзбекистоннинг ҳар бир кишисидан тийиндан йиғилса, 200 минг бўлади. Шунча маблағ билан миллий курашнинг моддий базасини мустаҳкамлаб бўладими.

Ўлкамизда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатишларига қарамай, жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳам жонбозлик қилаётган раҳбар ходимлар талайгина. Чунончи, Андижон давлат тиллар педагогика институти ректори, СССР халқ депутати Мухтор Умарҳўжаев, Бухоро гўшт комбинати директори Маҳмуд Холов, Тошкент асбобсозлик заводи директори Миер Галаутдинов ва бошқалар бу борадаги кўмакдошларимиз.

Ростини айтсам, бундай кишиларга ҳавасим келади. Уларнинг вақт топиб, эл соғлиғи ҳақида қайғуришлари диққатга сазовор. Муҳими, бундай одамлар шахсан ибрат кўрсатиб, ёшларга етакчилик қилишади. Умуман, ишбилармон кишилар жисмоний тарбия ва спортга аҳамият бериб, ишчи-хизматчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, кайфиятини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириб, маҳсулот сифатини созлашга эришмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, миллий курашнинг фарғонача ва бухороча турини ҳар томонлама ривожлантириш, жумҳуриятда физкультура ва спорт ишларини жонлантиришга имкон беради. Ёшларимиз катта спорт сари қадам ташлайдилар. Муҳими, жумҳуриятимизнинг иттифоқ ва жаҳон миқёсидаги нуфузининг янада ортишига муносиб ҳисса қўшилади.

Суҳбатни
А. ИМОМХЎЖАЕВ ёзиб олди.

Жаҳон биринчилигининг тантанали ёпилиш маросимида турли мамлакатлар вакиллари ҳузурида менга чемпионлик медали ва қимматбаҳо совғалар инъом этишди. АҚШда ишлаб чиқарилган шахмат компьютери билан тақдирлашди.

— Режаларингиз ҳам катта бўлса керак!

— Жумҳурият биринчиликларида қатнашиш ва бўлажак баҳсларга ҳозирлик кўришга ҳаракат қиламан. Бундан ташқари жаҳон чемпиони сифатида коллективларда, ёшлар ўртасида ўтказиладиган учрашувларда иштирок этиб, ўз таассуротларимни кўпчилик билан баҳам кўриш ниятидаман.

З. ВАЛИЕВ,
М. НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
«Совет Тожикистони» мухбирлари.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Халқ маорифи вазирлиги
АСАЛАРИЧИЛИКНИ ЎРГАНИНГ!
Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги
19-СОН ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йили учун
10-синф ҳажмида маълумотли 30 ёшгача бўлган йигит ва қизларни асаларичилик мутахассислиги бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради. Билим юртини аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади. Улар институтга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқувчилар стипендия, тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, талабалик гувоҳномаси билан таъминланадилар.

1991 йил 1 апрелдан ишлаб чиқариш практикасига юбориладилар.

Жамоат хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишлаб чиқариш практикасига ҳамда ўқишни тугатганларидан сўнг ишга юбориладилар. Ўқувчилар практика даврида ишлаган иш ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш 1990 йил 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида шаҳодатнома, тавсифнома, турар жойидан маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, тиббий шаҳодатнома (086/У андозада), хўжаликдан йўлланма.

Ҳужжатлар 25 августгача қабул қилинади.

Билим юртининг манзили: Тошкент вилояти, Тошкент ноҳияси, А. Абдураҳмонов номли давлат хўжалиги, 2-бўлим, СПТУ-19. Телефон: 56-689. (Билим юртига бориш учун Чорсу метросининг автостанциясидан 466-автобусга чиқиб, «СПТУ-19» бекатигача келинади).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 182. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12